XALQ DEPUTATLARI G'ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 17 - yanvar VI-50-1-3-45-K/23 G'allaorol tumani hokimligi

Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2022 йил 31 декабрдаги "Ғаллаорол туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги VI-50-261-3-45-K/22-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг 2022 йил 31 декабрдаги VI-41-349-3-0-K/22-сонли қарорига асосан халқ депутатлари туман Кенгашининг 2022 йил 31 декабрдаги "Ғаллаорол туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги VI-50-261-3-45-K/22-сонли қарорига ўзгартириш киритиш юзасидан берилган таклифларни қайта кўриб чиқиб, халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2022 йил 31 декабрдаги "Ғаллаорол туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги VI-50-261-3-45-K/22-сонли қарорининг 7- ва 8-иловаларига қуйидагича ўзгартиришлар киритилиши маъқуллансин.

- 2023 йил учун туманда Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар ўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар бўйича 7-иловада Кўкбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинига қўлланилган 0.7 коэффициенти 1.0 коэффициентга ва солиқ ставкаси 35 840.0 минг сўмга ўзгартирилсин.

- 2023 йил учун туманда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар бўйича 8-иловада Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғинига қўлланилган 1.05 коэффициенти 1.1 коэффициентга ва солиқ ставкаси 339.34 сўмга ўзгартирилсин.

2. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосарлари Т.Қўчқоров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Оқбоев**